

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

КУН НАФАСИ



МАҲАЛЛА, БУ —

ИСЛОҲОТЛАР ҚАЕРДА ИШЛАЯПТИ,
ҚАЕРДА ТЎХТАЯПТИ, ДЕГАН САВОЛЛАРГА
АНИҚ ЖАВОБ БЕРАДИГАН АСОСИЙ БЎҒИН

Президент Шавкат Мирзиёев 23 январь куни Олмазор тумани “Хастимом” маҳалласининг Зарқайнар кўчасида ташкил этилган туризм ва хизмат кўрсатиш объеклари фаолияти билан танишди.

Туризм кам маблағ билан кўп иш ўрни яратадиган, аҳоли даромади ва ҳудудлар қиёфасини яхшилайдиган соҳа. Тошкент шаҳрида бу борада имкониятлар кўп. Жумладан, Олмазор туманида ушбу салоҳиятни тўлиқ ишга солиш мақсадида 447 гектар ҳудудни қамраб олган лойиҳа амалга оширилмоқда. Унга кўра, 15 та маҳаллани ўзаро боғловчи туман аҳамиятидаги 6 та кўчада туризм ва хизмат кўрсатиш объеклари барпо этилади.

Мазкур лойиҳанинг бир қисми — Зарқайнар кўчасида бажарилган бунёдкорлик ишлари. Бу ҳудуд асрлар давомида шаклланган тарихий қиёфаси, миллий меъморчилик анъаналари ва ҳунармандчилик руҳи билан ажралиб туради. Республика бюджетидан ажратилган 150 миллиард сўм ҳисобига бу ердаги 576 та хонадон миллий кўринишда таъмирланиб, маҳалла тарихий муҳитга уйғун қиёфа касб этди. Юз нафар тадбиркор 166 миллиард сўм инвестиция киритгани натижасида 7 та меҳмонхона, 8 та ресторан, 5 та ху-

нармандлик маркази, 1 та савдо маркази, 125 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилди, 1 500 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Давлатимиз раҳбари янгиланган кўча бўйлаб юрар экан, миллий меъморий услубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар ва аҳоли учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Шу ерда истиқомат қилаётган оилалар, туристлар, ҳунармандлар билан самимий суҳбатлашди.

Давоми 2-саҳифада.

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП

ШУКРОНАЛИК НАФАҚАТ ФАОЛИЯТИМИЗДА, БАЛКИ ҚАЛБИМИЗДАГИ МУЖАССАМ ТУЙҒУ

Давлат ва жамият тараққиётида нуронийлар кўмагига таяниш халқимизга хос минг йиллик қадрият.



Ўтбосар АБДИЕВ,
“Нуроний” жамғармаси
Сирдарё вилояти бўлими бошлиғи.

Агар тарихга назар ташласак, Соҳибкирон Амир Темур кичик ўғли Шохрух Мирзога насихат қилиб, атрофига улуг, нуроний, аҳли илм инсонларни йиғиб суҳбатлашишни, уларнинг насихатлари билан иш тутишни одат қилишни уқтирган. Дарҳақиқат, ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини кўрган кексаларнинг ҳар бири алоҳида китоб, ҳаёти дорилфунун, умр йўли ҳикмат. Уларнинг тажрибасига, йўл-йўригига суянган одам қоқилмайди. Бугун ҳам шу анъана давом этиб, маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда нуронийларнинг фаоллигини кўриш мумкин. Президентимиз ҳудудларга ташрифлари давомида, албатта, нуронийлар вакиллари, кайвони отахон, онахонлар билан учрашиб, улар билан дилдан суҳбатлашиши, таклиф ва фикрларини эшитиши замирида ҳам мана шу ғоя мужассам. Чунки ҳар бир нуроний, аввало, оилада болалар ва набиралар учун тарбиячи, маҳаллада маслахатчи, жамиятда эл кўнглини бирлаштирувчи кучдир. Кўпни кўрган, турмуш сўмоқларидан мардона ўтган, энг оғир дамлارда ҳам қийинчиликларни сабот билан енгиб яшаётган нуронийларнинг маслахати ёшлар учун қимматли сабоқ, десак янглишмаймиз.

Давоми 3-саҳифада.

ЖАРАЁН

СЎРОВНОМАНИ ҚАЙТА ТЎЛДИРИШ ИМКОНИ БОР

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёнида “census.stat.uz” порталида фойдаланувчилар учун янги имкониятлар жорий этилди.

Биринчидан, эндиликда сертификат саҳифасида “Сиз рўйхатдан ўтказган уй хўжалиги аъзолари” тугмаси орқали сўровномага қўшилган барча оила аъзоларининг тўлиқ рўйхатини кўриш мумкин. Ушбу рўйхатни зарур жойга тақдим этиш имкони мавжуд. Иккинчидан, шахсий кабинетда тўлдирилган сўровномада аниқланган хатолар буйича маълумот берилади ва уларни тузатиш учун сўровномани қайта тўлдириш таклиф этилади. Барчаси намунадагидек тўлдирилган бўлса, сўровнома тасдиқлангани ва хатолик мавжуд эмаслиги кўрсатилади. Эслатиш керак, 2026 йил 23 январь соат 12:20 ҳолатига кўра, “census.stat.uz” портали орқали мамлакатимиздаги жами хонадонларнинг 60 фоизи онлайн рўйхатдан ўтди.

ДУНЁ МАҲАЛЛАНИ ЯНАДА КЎПРОҚ БИЛАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашувда хориждаги дипломатик ваколатхоналар вакилларида “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” да амалга ошириладиган устувор вазифаларга тўхталиб ўтилди. Мулоқот давомида Президентимизнинг маҳалла тизимида қаратаётган юксак эътибори, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилаётган натижалар хусусида батафсил маълумот берилди, қатор устувор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистоннинг маҳалла тизими нафақат бошқарув тузилмаси, балки инсон кадрини улуглайдиган ноёб ижтимоий институт экани халқаро миқёсда тарғиб қилинаётгани эътироф этилиб, Хитой, Япония, Жанубий Корея, қўшни мамлакатларнинг ўзини ўзи бошқариш



тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, маҳалла моделини жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш масалаларига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла ва элчионалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш масалалари кўриб чиқилди. Семинар якунида элчилар билан маҳалла тизимидаги ислохотларни дунё ҳамжамиятига етказиш ва “Маҳалла — жамиятнинг таянчи” тамойили асосида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Маҳалла тизimini халқаро майдонда кенг тарғиб этгани ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан фаол ҳамкорлиги учун бир гуруҳ дипломатлар “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

5-саҳифа

Дунёни ўз тилида
англаган
миллат
ҳеч қачон
янчилмайди



6-саҳифа

Қалблар
ҳамиша
меҳр билан
чароғон



7-саҳифа

Тўғри
йўналиш
—
ярим
муваффақият
демакдир





Президент Шавкат Мирзиёев Швейцариянинг Давос шаҳрида ТИНЧЛИК КЕНГАШИ НИЗОМИНИ ИМЗОЛАШ МАРОСИМИДА иштирок этди.



Давлатимиз раҳбари рақамли технологияларни ривожлантиришга бағишланган тақдимот билан танишди.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ хавфсизлик, разведка ва ташқи сиёсат бўйича қўшма ҳаракатлар режасини қабул қилди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

КУН НАФАСИ

МАҲАЛЛА, БУ — ИСЛОҲОТЛАР ҚАЕРДА ИШЛАЯПТИ, ҚАЕРДА ТЎХТАЯПТИ, ДЕГАН САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБ БЕРАДИГАН АСОСИЙ БЎҒИН

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида 2025 йил якунларига қисқача тўхталди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда иқтисодий таъминот даражаси прогнозларга нисбатан анча юқори суръатларда 7,7 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми 147 миллиард доллардан ошди. Иқтисодий таъминот барча тармоқларида ўсиш суръатлари 2024 йилга нисбатан юқори бўлди. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 43 миллиард долларга, экспорт эса 33,8 миллиард долларга етди.

Юқори иқтисодий фаоллик ва ўсиб бораётган истеъмол талабига қарама-қарсисан, инфляция даражаси 2024 йилдаги 9,8 фоиздан 7,3 фоизга пасайди.

— Иқтисодий ўсиш қанчалик барқарор бўлса, инфратузилмани яхшилашга шунчалик кўпроқ мabлағ йўналтириш мумкин бўлади. Бу эса пировадига бандликни таъминлаш, даромадларни ошириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ортда қолган бир йилда 366 минг оила камбағалликдан чиққани, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга, ишсизлик эса 5,5 фоиздан 4,8 фоизга тушганини қайд этди.

— Буларнинг барчаси ислохотларимиз самараси бўлиб, давлат ва халқ ўртасидаги ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Лекин ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз жуда кўп, — деди Президент.

Қайд этилганидек, маҳалла ислохотлар қаерда ишляпти, қаерда тўхтапти, деган саволларга аниқ жавоб берадиган асосий бўғин ҳисобланади. Агар маҳаллада ишсиз одам ёки камбағал оила сақланиб қолаётган бўлса, демак, ислохот ўша жойга етиб бормаган. Агар “еттилик” тизими аҳоли муаммосини ҳал қила олмаётган бўлса, демак, тизим ишламапти.

— Имконият бор, мabлағ бор, қарор ва дастурлар бор. Етишмаётган нарса — масъулият ва шахсий жавобгарлик, — деди давлатимиз раҳбари.



Президентимиз мавжуд имкониятларни ишга солишда ҳокимлар ва “маҳалла еттилиги”да методик билим ва амалий тажриба етишмаётгани, масъул вазирлик ва идоралар эса уларга етарли даражада қўмақлашмаётганини танқид қилди.

Мутасаддиларга бир ой муддатда ишсизлик ва камбағаллик юқори бўлган маҳаллалар имкониятларини ўрганиб, энг яхши тажрибалар асосида методик қўлланма ишлаб чиқиш топширилди. Ҳокимлар эса жойларда унинг ижросини таъминлаб, аҳолини иш билан таъминлаш, даромадини ошириш ва уларни қийнаётган масалаларга аниқ ечим топиш учун шахсан масъул бўлади.

Йиғилишда жорий йил учун 1 миллион нафар аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллаларнинг сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингтага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизга тушириш вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда “оғир” туман ва маҳаллаларда аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш масалалари атрофлича қўриб чиқилди.

Аввало, бундай ҳудудларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Шу мақсадда 903 та маҳалланинг ҳар бирида қуввати 300 киловатт бўлган кичик қуёш электр станциялари қўрилиб, маҳаллаларга “беғараз актив” сифатида берилади. Ушбу станциялар ҳисобидан ҳар бир маҳаллада 400-500 миллион сўм қўшимча даромад келтирадиган “иқтисодий актив” шакллантирилади.

Олинадиган “яшил” даромадлар “яшил” чора-тадбирларни амалга оширишга, хусусан, эҳтиёжманд хонадонларни энергия тежамкор таъмирлаш, электр харажатларини камайтириш ва турмуш сифатини яхшилашга йўналтирилади. Қуёш станцияларининг эксплуатация қилиш ишларига мазкур маҳаллаларда яшовчи камбағал оилалар аъзолари ишга жалб қилинади.

Бу ишлар ихтисослашув даражаси юқори бўлган яна 1 мингта илғор маҳаллада ҳам амалга оширилади. Кичик қуёш станциялари тайёр ҳолда 7 йил муддатга маҳаллаларга фоизсиз лизинг асосида берилади.

Президентимиз ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда маҳаллаларнинг ихтисослашувини янада чуқурлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Бугунги кунда 903 та “оғир” маҳаллада 100 минг гектар томорқа ва ижара ерлари мавжуд. Агар ҳокимлар “маҳалла еттилиги” билан биргаликда сув таъминотини яхшилаб, уруғ-қўчат билан таъминлаб, ихтисослашувни тизимли йўлга қўйса, аҳоли даромади ва турмуш шароитида кескин ўзгариш қилиши мумкинлиги таъкидланди.

Маҳаллаларда ихтисослашувни рағбатлантириш мақсадида қўшимча молиявий тизимлар жорий этилади. Хусусан, томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиқлари учун сертификатланган қўчатларни харид қилиш харажатининг 50 фоизи бюджет ҳисобидан қоплаб берилади. Мева турига қараб, “шпалер”лар учун 20 минг сўмдан 70 минг сўмгача субсидия ажратилади. Томорқада томчилатиб суғоришни жорий қилганларга ҳар 1 сотих учун 160 минг сўм компенсация тўланади.

Агар уста деҳқонлар маҳалладаги ҳар 10 та хонадонда экспортбop маҳсулот етиштиришни йўлга қўйса, 2 миллион сўм, агар бунини томорқаси бор хонадонларнинг камида 30 фоизидан амалга оширсан, қўшимча равишда 75 миллион сўмдан мукофот олади.

Шунингдек, жорий йилда 2 минг гектар ўрмон ерлари 4 минг камбағал оилаларга 50 сотихдан тўтасини барпо этиш учун 10 йилга бепул ажратилади. Пиллачилик кооперациясини ташкил этиш учун эҳтиёжманд оилаларга 4 миллион сўмдан субсидия, уйда пилла етиштириш истагида бўлганларга эса хонадонни жиҳозлаш ва ускуна хариди учун 20 миллион сўмгача фоизсиз ссуда берилади.

Йиғилишда жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 триллион сўм кредит ажратилиши белгилангани қайд этилди.

— Очиғини айтиш керак, ҳозир банклар барча туман ва шаҳарларга бир хил шартда кредит тақдир қиляпти. Лекин Олмасор билан Бузатовнинг имконияти ва шароити бир хил эмас. Шу боис, 37 та “оғир” туманда “оилавий тадбиркорлик” дастури доирасида кредитлар 12 фоиздан берилди, — деди Президентимиз.

Барча туманларда “оилавий тадбиркорлик” бўйича имтиёзли кредитнинг энг юқори миқдори 1,5 баробар оширилиб, 50 миллион сўмга етказилди. Импорт қилинган ва сертификатланган наслик қорва учун 100 миллион сўмгача, уй меҳмонхонаси, кичик музлаткич, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш минитехнологиялари учун эса 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Чегара ва анклав ҳудудда жойлашган 563 та маҳалладаги тадбиркорлик лойиҳаларининг кредит миқдори 1 миллиард сўмгача оширилади. Бу мақсадда “оилавий тадбиркорлик” дастурларига режалаштирилган 3,6 триллион сўмга қўшимча равишда яна 2 триллион сўм ресурс йўналтирилади.

Маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш учун жорий йил банклар томонидан жами 17 триллион сўм кредит ажратилади. Бунда маҳсулот етиштиришга олинган кредитнинг 4 фоизи, уни қайта ишлаш лойиҳаларида эса 6 фоизи компенсация қилиб берилади.

Ҳоким ёрдамчиларининг ишини “лойиҳавий ёндашув” асосида ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳар бир туман кесимида “лойиҳавий ёндашув” асосида амалга ошириладиган лойиҳалар портфели шакллантирилади. “Оғир” маҳаллалардаги бўш ер участкалари ва давлат объекларининг бошланғич нархини 2-3 баробарга пасайтириб, уларни сотувга чиқариш амалиёти жорий этилади.

Иш ўрни яратиш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича энг яхши натижа қўрсатган 100 та “оғир” маҳаллага 1 миллиард сўмдан қўшимча мabлағ ажратилади. Мазкур маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари Хитой, Туркия, Корея ва Малайзия каби давлатларга бир ойлик малака ошириш курсларига юборилади.

Мисол сифатида Олмасор туманидаги “Кайковус” канали бўйлаб амалга ошириладиган лойиҳа келтирилди. Ушбу каналнинг 2 километр қисми “Эски шаҳар” ҳудудидаги 8 та маҳалладан ўтади. Энди мазкур маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ягона “лойиҳа гуруҳи”га бирлашиб, яхлит концепция асосида канал бўйида савдо, сервис ва дам олиш инфратузилмасини ривожлантириш ишларини амалга оширади.

Худди шу тартибда туризм, таълим, тиббий хизматлар, реновация, қўл бўйлари ва гавжум қўчалар бўйича ҳам ҳоким ёрдамчиларидан иборат махсус “лойиҳа гуруҳлари” ташкил этилади.

“Маҳалла еттилиги” фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича пойтахтда йўлга қўйилган тажриба эндиликда барча туман ва шаҳарларда ҳам жорий этилади. Бундан бўён ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси маҳалла раиси тақдирномаси асосида туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди. Мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича кенг қўламли тадбир бошлангани қайд этилди.

Ҳозирга қадар жами 7 миллион 613 минг хонадондан 4 миллион 776 мингтаси рўйхатдан ўтган. Бироқ ушбу жараён Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро ва Тошкент вилоятида суст кечаётгани қўрсатиб ўтилди.

— Бу каби муҳим тадбир мамлакатимизда сўнгги 37 йил ичида биринчи марта ўтказилмоқда. Рўйхатга олиш ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оиланинг реал ҳолатини аниқлаш, келгуси режаларни шў асосда белгилаш, энг муҳими, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган самарали механизмларни жорий этишга хизмат қилади, — деди Президентимиз ва барча юртдошларимизни рўйхатга олиш тадбирида фаол иштирок этишга чақирди.

Йиғилишда туман ҳокимлари, маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларининг ҳисоботлари ҳамда тақлифлари тингланди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрлади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БУГУН ҲАММА ИШ МАҲАЛЛАДА, ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Якунига етаётган ҳафтада Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолияти самарали натижаларга бой бўлди. Қуйида айрим воқеалар кетма-кетлигига қисқача назар ташлаймиз.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев очик мулоқот ўтказди. Унда Уюшма масъуллари, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари мутасаддилари иштирок этди. Мулоқотда давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси ҳамда Хавфсизлик кенгаши йиғилишида белгилаб берилган вазифаларни аҳолига етказиш масаласи қўриб чиқилди. Маҳалла тизимидаги устувор вазифалар ва аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида давлатимиз раҳбарининг тегишли топшириқлари ижроси юзасидан ишлаб чиқилган уч йиллик қўшма дастур лойиҳасининг якуний муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Уюшма, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Мулоқотда маҳаллаларда оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари муҳокама қилинди.



Яқин қариндошлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги никоҳ, оилавий ажралишлар ва жиноятчилик каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган 2026-2028 йиллар давомида амалга ошириладиган ишлар юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Самарқанд вилоятида Президентимиз Мурожаатномаси ҳамда “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган маърифий учрашув ўтказилди. Унда маҳаллаларда тинчлик, барқарорлик ва шукроналик туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот тадбирларини тизимли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.



Онлайн кредит олишда
фирибгарликка
учраган
фуқаролардан
КРЕДИТНИ УНДИРИШ
ТУХАТИЛАДИ.



Мобиль иловада
рўйхатдан ўтган
фойдаланувчи
аккаунтига энди фақат
УШБУ ШАХС ЁКИ ЯҚИН
ҚАРИНДОШЛАРИГА
тегишли банк картаси
бириктирилади.



Энди кредит ва
тўлов ташкилотлари
фойдаланувчиларни
биометрик
идентификациядан
ўтказишда ХАЁТИЙЛИК
ФАКТОРЛАРИНИ
аниқлаши шарт.

2026 йил
24 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla №6

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП

Шукроналик нафақат фаолиятимизда, балки қалбимиздаги мужассам туйғу

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бугун Сирдарё вилояти маҳаллаларидаги янгиланишларни уларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамиятнинг барча соҳаларида — ёшлар тарбияси, маҳалла ободлиги, жамоатчилик назорати, маънавий муҳитни шакллантиришда бевосита қатнашиб, ҳаётий ва касбий тажрибалари асосида кўмаклашишяпти. Ҳар бир нуронийнинг маҳаллада ўз ўрни, айтар сўзи бор.

Қадимий анъаналарни қайта тиклаш, қадриятларимизни давом эттиришга эришяпмиз. Масалан, илгари кекса одам бирор нонуя иш қилаётган болани кўрса, дарҳол дакки берган. “Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган пурмаёно нақлнинг амалдаги кўриниши эди бу. Қувонарлиси, бугун айнан нуронийлар ташаббуси билан юқоридаги каби анъаналар қайта тикланди. “Бировнинг боласи билан нима ишим бор”, деган лоқайдлик ўрнини дахлдорлик туйғуси эгаллади.



Табиийки, бу — натижаларда акс этяпти. Йиллар кесимида таҳлил қилинганда, ижобий ўсишни кузатиш мумкин. Масалан, ўтган йили аҳоли, ёшлар ўртасида жиноятчилик, товламачилик, фирибгарлик, оилавий ажралиш каби иллатлар сони қисқарди. Республикада 4 минг 388 та маҳалла “ёшлар жиноятчилигидан холи ҳудуд” мақомига эришди. Пировардида, 2025 йилнинг ўн бир ойида ёшлар жиноятчилиги 19,4 фоизга камайди. Бу жараёнда, шубҳасиз, маҳаллада обрў ва нуфузга эга бўлган нуронийлар, бобо-бувижонларнинг жонқуярлиги муҳим роль ўйнаяпти.

Вилоятимиздаги маҳаллаларнинг ҳар бир нуронийсига 10 та оила фарзандлари бириктирилган. Албатта, улар ёнида бир-икки фаол шахслар муаммоларни ҳал қилишда ёрдамлашяпти. 221 та маҳаллада 3 нафардан нуроний расман “еттилик” ходимларига елкадош бўляпти.

“Маҳалла еттилиги” билан уй-ма-уй хатловда юрганимизда, “кам-бағалман”, “ишсизман”, “кўмакка муҳтожман”, деган инсонларни ҳам учратамиз. Айримлари “қиз чиқаришга қўлим калталик қияпти” дейди. Шундай вазиятда нуронийлар ташаббуси билан келин-куёвнинг ота-онаси билан юзма-юз суҳбатларда тўйни ихчамлаштириш бўйича келишувга эришяпмиз. Муҳими, одамлар дунёқарашида ижобий ўзгариш бор. Улар исроф ва мантиқсиз ишлардан ўзини олиб қочяпти. Тўғри-да, ҳеч кимга наф бермайдиган харажатлардан кўра, шу пулни ёшлар учун сарфланса, нафақат оилага, балки жамиятга ҳам фойда эмасми?

2026 йил Президентимиз ташаббуси билан “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлангани зиммамизга янги режалар, янги вазифалар юкляди. Бу йўлда “маҳалла еттилиги” билан бирлашиб, билдирилган ишончни албатта, оқлаймиз. Муаммоларни ҳал қилишда, ишсизликка барҳам беришда, оилалардаги ажралишларнинг олдини олишда янада фаоллашамиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Собиржон НАЗИРОВ,
Чортоқ тумани:

— Келгуси йил пенсияга чиқаман. Ойлик маошимга қўшимча устама ҳам оламан. Пенсия тайинлашда унинг миқдори фақат ойлик иш ҳақидан ҳисобланадими ёки устама ва мукофот пуллари ҳам инобатга олинадими?

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДА МУКОФОТ ПУЛЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНАДИ

Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”-ги қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”-ги низомга кўра, пенсия ҳисоблашда иш ҳақи таркибига, шунингдек, иш ҳақининг натурал қисмига 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қонуналикка мувофиқ сугурта бадаллари ҳамда 2019 йилдан кейинги давр учун Солиқ кодексининг 371-моддасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар киритилади.

Яъни, фуқароларнинг меҳнат фаолияти давомидида олган иш ҳақларига қўшимча равишда тўланган устама ва мукофот пуллари ҳам пенсия ҳисоблашда инобатга олинади. Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркор ва у билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахснинг белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўлаган даври ҳам иш стажы ҳисобида инобатга олинади.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
Абдурахмонов
тайёрлади.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

“БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҒИМ, АЛБАТТА, ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ҚИЗҒИН МУЛОҚОТ БЎЛАДИ”

Гоҳида ҳоким ёрдамчиси сифатида одамларга қандай ёрдам берапсиз, деган саволга дуч келаман. Шундай вазиятда аниқ мисоллар орқали қилинган ишларни кўрсатишга одатланганман.



Ўғилой МУСТАФОЕВА,
Бухоро шаҳридаги
Фурқат номидаги маҳалла
ҳоким ёрдамчиси.

Аслида ҳам, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилган, тизимда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Биргина ўз маҳалламиз мисолида айтсам, “ўсиш нуқта”мизни ривожлантириб, юзлаб иш ўрни яратдик. Қобилияти бору, имконияти йўқ инсонларга ёрдам бердик.

Масалан, маҳаллада истиқомат қилувчи Нигора Фаizieва ва Ислон Раҳматов оддий заргарлик буюмларини таъмирловчи уста эди. Фаолиятини кенгайтириш мақсадида уларга субсидия ва имтиёзли кредит олишга кўмаклашдик. Натижада заргарлик мактабига асос солиб, 30 нафардан ортиқ шоғирдни ўқитиб, маҳаллий бозорда талаб юқори бўлган усталар тайёрлашяпти. Корхона “Sara Silver” бренди остидаги маҳсулотни мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва хорижга етказиб берапти.

Аввал ёшлар етакчиси бўлганим учун ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлашга

қийналмадим. Чунки маҳалла аҳолиси билан яқиндан таниш эдим. Ҳудудда 106 нафар тадбиркор фаолият юритади. “Эски шаҳар” сайёҳлик зонасига яқин жойлашганимиз учун оилавий ва яқна тартибдаги 10 га яқин меҳмонхона ишлаб турибди.



“Драйвер” — савдо ва хизмат кўрсатиш. Шаҳар марказида жойлашганимиз сабабли бу йўналишлар яхши ривожланган. Соҳада фаолият юритаётган ҳар бир тадбиркор билан яқна тартибда ишлаб, муаммосини тезкор ҳал этяпмиз.

Аҳоли кўп қаватли уй ва яқна тартибдаги хонадонларда истиқомат қилади. “Хонадонбай” ўрганишлар натижасида шу жиҳат бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга қулай имконият эканини аниқладим. Яъни, кўп қаватли уйда яшовчи аёллар бўш вақтида турли таомлар ёки ярим тай-ёр маҳсулотни дўкон, кафе ва ресторанларга етказиб берса, даромад топиши мумкин.

Бундан ташқари, бўш бино ва ҳовли ер майдонларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш мақсадида фойдаланяпмиз. Шунингдек, аёллар ва ёшларнинг тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва иссиқхона хўжаликлари ташкил этиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланяпти. Масалан, янги “Anisa Plastics” корхонасида 10 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. “Pure water Bukhara” масъулияти чекланган жамияти кичик саноатдан ўрта саноатга ўтиб, катта ҳажмдаги сув тозалаш ва қадоклаш фаолияти доирасида яна 5 та янги иш ўрни ташкил этди. Меҳмонхона хизматлари йўналишида “1001 night” масъулияти чекланган жамияти иш бошлагач, 100 дан ортиқ иш ўрни пайдо бўлди. Бундай тадбиркорлар савий-харақати боис “яшил ҳудуд” тоифасига кирганмиз.

Ҳар доим маҳалламиздаги тадбиркор ва кам таъминланган оилалар, ишсизлар билан биринчи бўлиб боғланаман. Уларнинг ўз муаммоласи билан елғиз қолишига йўл қўймайман. Бир сўз билан айтганда, тадбиркори бор бўлгани учун аҳолиси бой маҳаллага айланганмиз.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

ҚИШ СУВИНИ ИЧГАН БОҒДА ЁЗ ҲОСИЛИ МЎЛ БЎЛАДИ

Бугун аксарият хонадон томорқасида кичик боғ ва тоқзорлар ташкил этган. Қуйида ана шундай боғбонлар учун қишқи суғориш бўйича муҳим тавсиялар билан ўртоқлашамиз.

Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар
миллий маркази директори.

Қишқи суғориш — боғдорчиликда ҳосилдорликни оширишга хизмат қиладиган энг муҳим агротехник чоралардан бири ҳисобланади. Бу тарздаги суғориш орқали tupроқнинг нам захираси тўлдирилади ва дарахт илдизи совуққа чидамли ҳолатга келади. Нам tupроқ қуруқ tupроққа нисбатан иссиқликни яхшироқ ушлаб туради, илдишни музлаб қолишдан ҳимоялайди.



Қишқи суғориш натижасида tupроқдаги тузлар пастки қатламга ювилиб, илдиш қисмида зарарли тузланиш камаяди. Бу ҳолат, айниқса, шўрланишга мойил бўлган ерлар учун катта фойда.


Шунингдек, баҳор мавсумида tupроқ етарлича нам бўлгани сабабли дарахтлар эрта уйғонади, гуллаш бир маромда кечадди ва ёш новдаларнинг ўсиши фаоллашади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишқи суғориш ўтказилган боғларда баҳорги инқироз камаяди, сув танқислиги кеч сезилади ва ҳосил сифати ҳамда миқдори ошади.

Агарда ер шўрланган бўлса, декабрь ойида гектарига 10-12 минг куб сув сарфланган, яхшилаб ювилади. Қишқи суғоришда бир гектарига 1 500-2 000 куб метр сув сарфлаб, жараён 4-5 кун давом эттирилади. Шўрланган ер атрофидаги зовурлар тозаланади. Боғ ва тоқзорларда профилактика учун мевали дарахт барг тўқмасидан олдин 1 фоизли мис кукуни ва барги тўқилганидан кейин 3-4 фоизли қилиб сепиш тавсия этилади.

Бир сўз билан айтганда, қишқи суғоришни ўз вақтида ва меъёрида амалга ошириш ҳар бир боғбон учун муҳим ҳисобланади.





Сунъий интеллект ёрдамида шахсга доир маълумотларга ноқонуний ишлов берганлик учун жавобгарлик белгиланди.



Ўзбекистонда инсульт ва инфаркти беморлар учун “ОЛТИН СОАТ” ТАМОЙИЛИ бўйича клиник йўналишлар йўлга қўйилади.



2027 йил 1 мартдан “ҚОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ” ахборот тизими жорий этилади.

4

Mahalla

№6

2026 йил
24 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Миграциядаги аёл, деганда кўз ўнгимизда нафақат меҳнат муҳожир, балки фарзандининг келажаги учун ўз ҳаловатидан кечган, соғинчли сабр билан енгаётган матонатли зот гавдаланади. Уларнинг ҳар бир қадамида оила соғинчи ва яқинларининг улкан масъулияти муҳассам.

АЁЛ ОИЛА БАҒРИДА БЎЛГАНИДА БАХТЛИРОҚ...

Омадбек КЕНЖАЕВ,
журналист.

Бундай хотин-қизларни юртимизга қайтариш, уларнинг меҳнат қилишига шароит яратиб бериш мақсадида Қўшқўпир туманида махсус штаб тузилди. Шу асосда ҳудудларда хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ташқи миграцияда юрган аёлларни оиласи бағрига қайтариш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун имкониятлар яратиб берилмоқда.

Тумандаги “Гулзор” маҳалласида яшовчи Дилфуза Бекжоновна миграциядан қайтган, “маҳалла еттичилиги” кўмаги билан касбга ўқитилди. Ҳозир у кичик бинода яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ишбилармон аёл 8 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган.



— Миграциядан қайтганимдан кейин тадбиркорлик қилиш истаги туғилди, — дейди Дилфуза Бекжоновна. — Маҳалла тавсияси билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Субсидия орқали печь берилди ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказида bepул таҳсил олдим. Бошланишига яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир 20 турдан ортиқ салат, сомса ва тузламалар тайёрлапмиз.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йили туман миқёсида 1700 нафар хотин-қиз миграцияга кетган. Уларнинг 100 нафарга яқин вояга етмаган фарзанди ота-она қаровисиз қолиб, ўзгалар парваришига берилган. Олиб борилган узлуксиз мулоқотлар, ҳар бир аёл билан алоҳида ёндашув асосида ишлаш натижа-сида уларнинг 998 нафари оиласи бағрига қайтарилди.

Энг муҳими, ҳеч ким эътибордан четда қолмапти. Аёлларнинг саломатлигини тиклаш ва доимий меҳнат билан банд бўлиши учун барча шароитлар муҳайё.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шахноза
РАҲИМХҲАЕВА
тайёрлади.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

ОИЛА УЧУН ҲАР ДОИМ ЭР КИШИНИНГ МЕҲРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ ЗАРУР



Нияти қатъий, олдига аниқ мақсад қўйган аёлни ҳеч ким бу йўлдан қайтара олмайди. Ундаги куч ва ғайрат барча тўсиқларни енгиб ўтишга қодир. Бизнинг маҳалламизда ҳам шундай шижоатли, меҳнат қилиб толмайдиган аёллар жуда кўп. Феруза Ҳалимовани бунга яққол мисол сифатида келтириш мумкин.

Матлуба РАЖАБОВА,
Денов туманидаги
“Нурли манзил” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Асли касби ўқитувчи бўлган бу оламиз ўн йилдан буюн уйда сутни қайта ишлаш билан шуғулланиб келяпти. Шу орқали 5 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаган. Улар махсус бренд остида тайёрлаётган қаймоқ, қатиқ, айрон, сметана каби маҳсулотлар ҳудудимиздаги дўконларга тарқатилляпти.



Айни вақтда маҳалламизда истиқомат қиладиган 2 189 нафар хотин-қиз турли йўналишларда фаолият юритиб, жамият раванкига муносиб ҳисса қўшляпти. Уларнинг кўпчилиги савдо-со-тиқ билан банд. Қувонарли-си, аёлларимиз меҳнат қилиб, рўзғорини обод қилишда муно-сиб ҳисса қўшляпти.

2012 йилдан буюн маҳалла тизимида фаолият юритиб келяпман. Ўтган давр ҳаётида учмас из қолдирди. Одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дарду

ташвишига ошно бўлдим. Оилаларни мустаҳкамлашга озми-кўпми ҳисса қўшяпман. Айтайлик, йил бошидан буюн учта низоли хонадон вакиллари-ни мурасага келтиришга эришдик.

Шу ўринда кичик бир таклифим бор. Айни вақтда туманларда фаолият юритаётган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида турмуш қуриш арафасидаги йигит-қизларга бир ҳафта давомида машғулотлар олиб бориляпти. Бу ўзининг ижобий натижаларини кўрсатаётгани ҳам айни ҳақиқат. Лекин шу муддати яна бироз узайтириш керак, назаримда. Сабаби, ўтилаётган мавзулар қанчалик чуқур таҳлил қилинса, келин-куёвларга шунча фойдали. Бу борада йигитлар билан ҳам алоҳида иш олиб борилишини истардим. Айниқса, уларга оиладаги масъулияти, турмуш ўртоғи ва бўла-жак фарзандларига ғамхўрлик қилиши ҳақида кўпроқ тушунтириш керак.

Баъзан можаро келиб чиққан хонадонларга борганимизда, эркакнинг арзимаган келишмовчилик боис ҳам-ма нарсга қўл силтати ажрашишларга сабаб бўлиб қоляпти. Айрим оталар, ҳатто, 3-4 нафар фарзандининг тақдир-и учун куйинмайди. Муҳими, шу чигал вазиятдан ўзини қутқарса бўлди.

Бундай ёндашув билан мустаҳкам оила қуриб бўлмайди. Қачонки, эр ва хотин зиммасидаги вазифаларни ич-ичидан ҳис қилса, болаларининг келажаги учун қайғурса, шундагина ҳақиқий бахтга эришиш мумкин.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

САБР, ДИД ВА МАҲОРАТ — ҲАР БИР АМАЛГА ТАЯНЧ

Ҳунари бор инсоннинг ризқи бутун, келажаги эса нурли бўлади. Қадимдан тикувчилик — сабр, дид ва маҳорат талаб этадиган энг эъозли касблардан бири саналади.

Манзура СУЛТОНОВА,
Бухоро шаҳридаги
“Фошун” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Айтайлик, қўрпа, қўрпача, ёстиқ ва қўроқлардан турли тўпламлар тиқиш че-вардан алоҳида қўнт ва эъти-бор талаб қиладди. Бежирим туширилган ҳар бир чок, ўзи-га хос ижод намунаси ортида тикувчининг машаққати ва меҳр-муҳаббати муҳассам.



Маҳалламизда яшовчи Нозигул Ярашова ҳам ана шундай машаққатли ҳунар орқали ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Унинг та-шаббуси билан ҳудудимизда мазкур йўналиш анча ривожланди ҳамда қўрлаб хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

Нозигулга ўтган йили ҳо-ким ёрдамчиси тавсиянома-

си, “Оилавий тадбиркорлик дастури” доирасида тикув-чилик ва ишлаб чиқариш йўналишида 33 миллион сўм имтиёзли кредит маб-лағи ажратилгани кичик қорхона қўринишини олган цех ташкил этишига туртки бўлди.

Шу орқали маҳалла-да касаначилик йўналиши йўлга қўйилиб, уйда ишсиз ўтирган опа-сингиллари-мизнинг бандлиги таъмин-ланди. Аёллар бажарилган иш ҳажмига қараб ҳақ олиб, оиласига қўшимча даромад қиратляпти. Муҳими, тикила-ётган қўрпа, қўрпача, ёстиқ ва бошқа маҳсулотлар буюртма асосида эгаларига етказилмоқда. Тўй, маърака ва келинлар сарпоси учун буюртмалар қабул қили-няпти.

Айни кунда ҳам тикув-чи, ҳам тадбиркорга ай-ланган Нозигул Ярашова ўз фаолиятини ижарага олинган буш бинода ташкил этган. Бир ойлик соф фойда эса ўртача 6-7 миллион сўм-ни ташкил этмоқда. Келгу-сида кичик қорхонани яна-да кенгайтириш, маҳсулот ҳажми ва турларини кўпай-тириш мақсад қилинган.



ОҒРИҚ НУҚТАЛАР

Тўй гўдакнинг ноласига уланмасин...

Кейинги ҳафта маҳалламизда катта тўй. Қўшнимиз Замира опа ўғлини уйлантиряпти. Келин ҳам бегона эмас. Қўшни қишлоқда яшайдиган синглисининг қизи. Тўғриси, қариндошлар ўртасидаги бу никоҳга кўпчилик қаршилик билдирди. Лекин қарор қабул қилинган эди.

Шахноза
РАҲИМХҲАЕВА,
“Mahalla” муҳбири.

Бу воқеадан хабар топганим ҳамон чуқур ўйга ботдим. Қандай қилиб ака-сингилдек катта бўлган икки ёш ўз ҳаёт йўлларини бирлашти-риши мумкин. Салгина мулоҳаза юритиб қўрган кишига муноса-батларда юзага келадиган чал-кашлиқлар кундек равшан. Соф ва самимий тарзда давом этаёт-ган опа-сингиллик ришталари қуда-андачилик билан мустаҳкам-ланса, майлику-я, бироқ дарз кетмаслигига ҳам ҳеч ким қафо-лат бера олмайди. Бу аёллари-мизнинг илк олди-бердиларидан бошланиши тайин. “Онаси фалон нарсанинг яхшисини олмайди” ёки “Сарполари кўнгилдагидек келмайди”, деган гап-сўзлардан бошланган янги турмушнинг да-вомини тасаввур қилаверинг.

Булар масала-нинг бир жиҳати, холос. Аслида, энг муҳим ва жиддий му-аммо ҳали олдинда. Наҳотки, бу оилада туғиладиган бола-нинг саломатлиги ҳеч кимни хавотир-га солмаса? Тиббий нуқтаи назардан қариндошлар ўртаси-даги никоҳ нафақат генетик касаллик-ларнинг кўпайишига, балки дунёга кела-ётган гўдакларнинг жисмоний ва ақлий заиф бўлиб туғили-шига асосий сабаб бўлмоқда. Инсон қадр-и ва фарзанд бахти ҳақида гапир-ганимизда, биз, энг аввало, уларнинг соғлом яшаш ҳуқуқи-ни ҳимоя қилишимиз шарт.



Шу нуқтага келганда бироз сергак тортидим. Хаёлимдан ўтган ҳақиқатларни ҳамма яхши билади. Лекин негадир бундай никоҳлар тўғалигича барҳам топмапти. Онгимизга ўрнашиб қолган нотўғри қарашлар, келажақ авлод олдидаги масъулиятни қалбдан ҳис қилмаслик сабаб бу хато қайта ва қайта такрорланыпти.



...Замира опа ҳам ҳеч қандай қўрқув ва иккиланишларсиз тўй ҳаракатларини бошлаб юборди. Шу орада маҳалламизда совуқ ха-барлар тарқалди. Бундан бир йил аввал турмуш қурган аммавачча-лар фарзандли бўлибди. Дунёга келган чақалоқ ички аъзоларининг тўлиқ ривожланмагани учун уч кунда нобуд бўлибди. Қалблар лар-зага келди. Онанинг изтироблари-ни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Ҳамма ичидан юм-юм йиғляди...

Бу воқеа кўпчиликка сабоқ бўл-ди. Айниқса, жиянини келин қилиш тадориғида юрган Замира опа чуқур ўйга ботди. Маҳалла фаоллари, ўзи улуғлар қайтара олмаган йўлдан ўзи бир кечада қайтди. Тўй тўхтади. Лекин ҳеч ким хафа бўлмади, ҳамма ёшлар учун хурсанд эди. Афсуски, биз инсон-лар шундай аччиқ сабоқлардан кей-ингина тўғри ҳулоса чиқарамиз...



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ:
Ўзбекистонда
16 ёшгача болалари
мавжуд бўлган уй
хўжаликлари улуши
74,3 фоизга тенг бўлди.



Пенсионерлар учун
“my.gov.uz” сайти ёки
MyGov иловасидан
фойдаланиб, ПЕНСИЯНИ
НАҚД ШАКЛДА ОЛИШГА
ЎТИШ имконияти
яратилди.



2025 йилда
Ўзбекистонда
457,9 мингта
ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ
ишлаб чиқарилди,
бу аввалги йилдан
6,7 фоизга кўп.

2026 йил
24 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla №6

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚЎМАКЧИ

Ҳар тонг бир савол билан бошланади: “Бугун қайси ёшга ёрдам бераман?”

Эрталаб уйғонишим билан ҳаёлимга келадиган биринчи савол: бугун қайси ёшнинг муаммоси бор, кимга кўмак керак? Нима қилсам, йигит-қизларнинг елкасидаги юкни енгиллаштираман? Шу ўй билан куним бошланади.

Йўлбарс ИСКАНДАРОВ,
Касби туманидаги “Талишбе”
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Кимдир иш тополмай юрибди, кимдир бошлаган ишини охирига етказа олмай қийналяпти, яна кимдир имконият излаб, йўлини тополмай сарсон. Буларнинг бари ҳаёлимдан бирма-бир ўтади. Бугун фалон ёшга кредит масаласида ёрдам беришим керак, анави йигитнинг ҳужжатлари тўлиқми, бунисига маслаҳат зарур — ҳаммасини ичимда таҳлил қилиб чиқаман.



Бизнинг олдимиздаги энг катта вазифа — ёшларни банд қилиш. Чунки ёшнинг қўлида иш бўлса, қўзида умид бўлади. Даромадли иш бошлаб кетса, менинг ҳам елкамдан тоғ ағдарилгандек гуё. “Мана, яна бир ёш ўз йўлини топди”, деб ич-ичимдан қувонаман.

Бир пайтлар Ҳаловат Ибрагимова ҳақида ҳам шундай қайғурардим. У иссиқхона ташкил этиш ниятида юрганди. Ўтирдик, маслаҳатлашдик, йўл-йўриғини кўрсатдим. Ниҳоят, у банкдан 100 миллион сўм кредит олди. Шу маблагнинг қарийб 70 фоизига иссиқхона қурди, қолганига бодринг уруғи, ўғит ва зарур дорилар харид қилди.

Натижа узоқ куттирмади. Иссиқхона ҳосилга кирди. Бугун у ерда етиштирилаётган бодринглар нафақат Ҳаловатнинг оилавий бюджетини кўтаряпти, балки маҳаллий бозорларга ҳам сифатли маҳсулот етказиб бериляпти. Ҳозирда у кунига ўртача 100 килограмм бодринг олиб, дўконларга сотмоқда. Килограмми 10 минг сўмдан. Биринчи мавсумидаёқ 30-40 миллион сўм фойда қўрди.

Ҳаловат бу билан тўхтаб қолмоқчи эмас. Кейинги мавсумда помидор экиб, йилига 60-70 миллион сўм соф даромад олишни режа қилган. Энг муҳими, у бошқаларга ҳам намуна бўляпти. “Мен ҳам қила оламан”, деган ишончни ёшларга сингдирапти.



Мана шунақа пайтларда қилаётган ишимиз бежиз эмаслигига яна бир бор амин бўламан. Ёшларга йўл кўрсатилса, улар, албатта, меҳнат қилади, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам даромадли бўлишга кўмаклашади. Бизнинг вазифамиз — шу йўлда ёнида бўлиш, кўмак бериш, ишонч бағишлаш.

ТИЛ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

Дунёни ўз тилида англаган миллат ҳеч қачон янчилмайди

Тил, бу — шунчаки алоқа воситаси эмас, у миллатнинг руҳи, тафаккури, тарихи ва келажagini ўзида мужассам этган бебаҳо бойликдир. Тилнинг илдинини асраб-авайлаш, уни соф ҳолда келажак авлодга етказиш ҳар бир жамият аъзосининг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бугунги кунда янги сўз ва атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши табиий ҳол. Албатта, бу жараён тилимизнинг бойиб бораётганидан далолат. Аммо, шу билан бирга, соф она тилимизни сақлаб қолиш, уни бегона унсурлардан ҳимоялаш масъулияти ҳам бутун жамият елкасида турибди.

Ана шундай муҳим ва масъулиятли қадамни Ўзбекистон Фанлар академияси ташаббус билан бошлаб берди. Хусусан, Фанлар академияси ҳузуридаги Атамалар комиссияси бир неча соҳаларга оид хорижий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини таклиф этиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди. Жамиятда бу ташаббус ижобий муносабатларга сабаб бўлаётир.



Сўнгги таклифлар орасида, айниқса, мудофаа соҳасига оид атамалар алоҳида эътиборни тортади. Масалан, “атака” ўрнига — “ҳамла”, “каска” — “дубулга”, “бронежилет” — “зирхнимча”, “противогаз” — “газникоб”, “диверсия” — “кўпурувчилик”, “полигон” — “дала”, “ўқув майдони” каби муқобиллар илгари сурилди. Бу атамалар нафақат ўзбек тилининг ички имкониятларига таянган, балки халқ оғзаки нутқига яқинлиги билан ҳам ажралиб туради.

Бундан ташқари, кундалик ҳаётда кенг қўлланиладиган хорижий сўзлар учун ҳам муқобиллар белгиланди. Жўмладан, “аванс” — “бўнак”, “навигатор” — “йўллагич”, “светофор” — “йўлчирик”, “па-

рол” — “ўрон”, “челенж” — “чорлов”, “доставка” — “етказиш” каби сўзлар расман тавсия этилди. Ушбу рўйхатни шакллантиришда тилшунослар соҳа мутахассислари билан яқиндан ҳамкорлик қилгани, ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги муҳокамалар ҳам инобатга олингани жараённинг пухта ва масъулият билан олиб борилганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий атамаларни ўзбекча муқобиллар билан алмаштириш — тилимизни қашшоқлаштириш эмас, аксинча, унинг ички қудратини намойён этишдир. Бу йўлда бошланган ташаббусларни жамият тўғри тушуниб, қўллаб-қувватласа, ўзбек тили янада сайқалланиб, келажак авлодга бой ва соф ҳолда етиб боришига шубҳа йўқ.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“Фарзандим мактаб тўловисиз ўқий оладими?”

Анора БАҲОДИРОВА.
Навоий вилояти:

— Мен икки фарзанднинг онаси-ман ва уларнинг бири умумтаълим мактабининг ўзайтирилган кун гуруҳида ўқийди. Оиламиз даромади пастлиги сабабли тўловни тўлаш қийин бўляпти. Шу ҳолатда бизга мактаб тўловини тўламасдан ўқиш учун имтиёз борми?



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Раъно ҲАЙИТОВА,
Навоий вилояти Мактабгача
ва мактаб таълими бошқармаси
бошлиғи:

— Сизнинг ҳолатингизда “Камбағал оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармонида мувофиқ умумий ўрта таълим мактабининг ўзайтирилган кун гуруҳларига қатнайдиган болалар орасида, оилавий даромади паст бўлганлар учун умумий ўқувчиларнинг 15 фоизи миқорида алоҳида квота ажратилиши ва улар мактаб тўловларидан озод қилиниши белгиланган. Шу боис агар оилангиз кам даромадли ҳисобланган бўлса, фарзандингиз ушбу квотадан фойдаланган ҳолда тўловсиз ўқиш ҳуқуқига эга.



Бунинг учун қуйидаги ҳужжатларни мактаб маъмуриятига тақдим қилишингиз лозим:

- оиланинг даромади паст эканини тасдиқловчи ҳужжат (даромад декларацияси ёки иш берувчи маълумотномаси);
- фарзандингизнинг ўзайтирилган кун гуруҳида ўқишини

тасдиқловчи мактаб ҳужжати. Мактаб ушбу ҳужжатларни қўриб чиқиб, сизнинг фарзандингиз учун ажратилган квотани расмийлаштиради ва ўқувчи тўловдан озод қилинади. Шу тарзда сиз қонунда белгиланган ҳуқуқингиздан тўлиқ фойдалана оласиз.

БАНДЛИК
БАРҲАМ ТОПАЯПМИЗ?

Меҳнатидан қочмасангиз, натижа кўп куттирмайди



Мен дадам ва оилам билан биргаликда бөгдорчилик билан шугулланаман. Асосан қизил олманинг “Крепсон” ва “Голден” навини етиштирамыз.

Нодирбек КАТТАБЕКОВ.
Бойсун тумани “Мачай” маҳалласи.

Ёшлигимдан тупроқ билан ошно бўлиб улғайдим. Бугун мана шу боғни барпо этганимизга саккиз йил бўлди. Дастлаб атиги 50 түп мевали дарахт эккан эдик, ҳозир уларнинг сони 200 түпга етди. Меҳнатни аямайсизми, албатта, натижаси ҳам шунга яраша бўлади. Ҳозир йилига беш-ун тоннагача олма ҳосили оляпмиз. Баъзи олмаларнинг оғирлиги ярим килограммдан бир килограммгача етади.

Боғ жойлашган ҳудуд бироз ноқулай бўлгани учун авваллари жуда кўп харажат қилардик. Айниқса, техника масаласида анча қийналганмиз. Юк ташиш, ҳосилни чиқариш учун доим бировдан илтимос қилишга мажбур бўлардик, бунинг устига ортиқча харажат бўларди. Қўнгда бу муаммо ҳам ўз ечимини топди. Дадам билан маслаҳатлашиб, маҳаллага мурожаат қилдик ва менинг номимга ёшлар етакчиси кўмаги билан имтиёзли шартлар асосида автомашина олиш имконига эга бўлдик. Техника олишни анчадан бери ният қилиб юрган эдим, ниҳоят имконият туғилди. Энди юкларни ўзим ташияпман. Энг муҳими, аввал қиладиган харажатларнинг учдан бирини ҳам қилмаяпман.

Тадбиркорлигимни янада кенгайтириш нияти-даман. Келажакда 10-20 нафар кишини иш билан таъминлашни мақсад қилдим. Бошқа ёшларга ҳам шуни айтмоқчиман: бу йўлда ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқ, аксинча, биз учун катта имкониятлар бор. Меҳнат қилиш, ҳаракат қилиш ва берилаётган имтиёزلардан фойдаланиш керак. Шунда, албатта, натижа бўлади.



“ДАВЛАТ
ТАЪМИНОТИДАГИ
ОИЛА” тоифасига
киритилган оилалар
учун ижтимоий ёрдам
пакети жорий этилади.



Ўзбекистонда
ҳар ойда
“БИРГА ҲАЁТНИ
САҚЛАЙМИЗ” миллий
донорлик акцияси
ўтказилади.



1 февралдан
зўравонликдан
жабрланган болалар
учун ПРОФЕССИОНАЛ
ТУТИНГАН ОИЛА
ХИЗМАТИ йўлга
қўйилади.

6

Mahalla №6

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ
БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

2026 йил
24 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Қалблар ҳамиша меҳр билан чароғон

Ҳаёт синовлари кимнидир
моддий қийинчиликка,
яна бировни соғлик билан
боғлиқ муаммоларга
рўбарў қилади. Бироқ
жамиятнинг асл кучи
— йиқилганга қўл узата
оладиган, ўзганинг
дардини ўзиникидек ҳис
қиладиган инсонларнинг
борлиғидир. Зеро,
беминнат қилинган кичик
бир яхшилик муҳтож қалб
ўчун умид чироғи бўлиб
ёниши мумкин.

Зухро АКБАРОВА,
Самарқанд туманидаги
Рустам номидаги маҳалла
ижтимоий ходими.

У маънода бугун
маҳалладаги но-
чор ва эҳтиёжманд аҳоли вакил-
ларининг муаммоларига ечим
топишда саховатпеша киши-
ларнинг ёрдами катта бўляпти.
Улар, айниқса, камбағал оила-
ларга озиқ-овқат етказиб бериш,
соғлиғини тиклашда моддий
қўллаб-қувватлаш, боқувчисини
йўқотган фуқароларнинг уй-жо-
йини таъмирлаш каби масала-
ларда “еттилик” ходимларининг
доимий кўмакдошига айланган.
Бу хайру эҳсонлар давлат тақдим
этаётган имкониятлар билан би-
рга одамларнинг фаровон турмуш
кечиришига мустаҳкам замин
яратяпти.



Айни вақтда маҳалламизда
125 нафар ногиронлиги бўлган
фуқаро рўйхатга олинган. Бундан
ташқари, “Ижтимоий ҳимоя ягона
реестри”га киритилганлар
96 нафарни ташкил этади. Бу
фуқароларнинг ижтимоийлашу-
вини таъминлаш, яшаш шароити-
ни яхшилаш фаолиятимиз-
нинг асосий мақсадига айланган.
Хусусан, ўтган йили ўрганишлар
натижасида 36 та “кейс” очилган
бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича
манзилли ёрдамлар кўрсатилди.

Дилшода Султонованинг хо-
надонига ташриф буюрганимиз-
да, ҳақиқатан ёрдамга муҳтож
эканини кўришиб турарди. Би-
ринчи навбатда, уларни “Кам-
бағал оилалар реестри”га кири-
тиб, “Саховат ва кўмак” жамғар-
маси орқали фарзандларига
мавсумий кийим-кечак олиб бе-

рилди. Шунингдек, боқувчисини
йўқотганлик нафақасини расмий-
лаштиришда амалий ёрдам кўр-
сатилиб, бола пули тайинланди.
“Еттилик” вакиллари билан дои-
мий равишда уларнинг ҳолидан
хабар олиб турибмиз. Дилшода
опа кўрсатилаётган хизматлар-
дан беҳад миннатдор. Қувонарли
жиҳати, аёл чин маънода ўзига
суянч бўладиган инсонларнинг

борлигини ҳис қилган ҳолда хо-
тиржам яшаяпти.

Мурод Муинов I гуруҳ ноги-
ронлиги бўлган фуқароларимиз-
дан бири. Шу вақтга қадар ҳара-
катланишдаги муаммолари сабаб
кўчага чиқа олмас эди. Ўз қобиғи-
га ўралиб, одамлардан ажралиб
қолган бу инсонни ҳаётга қайта-
риш мақсадида ногиронлик ара-
вачаси тақдим этилди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.
Энг муҳими, бугун ижтимоий ҳимоя тизими ёрдамга
муҳтож одамларнинг ҳаётига кириб борган. Уларга
руҳий далда бўлиш баробарида ижтимоий ва иқти-
сосий муаммоларини ҳал этишда тиргак бўляпти.
“Инсон қадри учун” тамойилига асосланган фаоли-
ятимиз давомида ҳеч кимни эътибордан четда қолдир-
маямиз. Натижада, жамият равнақи учун хизмат қи-
ладиган сафдошларимиз қатори янада кенгаймоқда.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМОВНА
ТАЙЕРЛАДИ.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

Тўқиш нафақат даромад, балки руҳий хотиржамликдир

Қўштепа тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар
марказида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш,
айниқса, хотин-қизларни касб-хунарга йўналтириш
борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.



Давлатжон ПОЛВОНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги Фарғона вилояти
бошқармаси матбуот котиби.

Марказ психологи Мухар-
рамхон Узоқова ташаббу-
си билан “Камбағалликдан фаро-
вонлик сари” дастури доирасида
ташқил этилган ижтимоий устохо-
на бунга яққол мисол бўла олади.
Мазкур устохонада кам таъ-
минланган оила вакиллари учун
бепул тўқувчилик курслари таш-
кил этилган. Бугунги кунга қадар
45 нафар хотин-қиз кадимий ху-
нар сир-асрорларини мукамал
ўзлаштириб, ҳозирда мустақил
фаолият бошлаган. Қувонарлиси,
улар қўл меҳнати билан тайёр-
ланган маҳсулотларни ижтимоий
тармоқлар орқали онлайн тарзда
сотиб, барқарор даромад олишга
муваффақ бўляпти.
Тумanning “Янги дўкон” маҳал-

ласида яшовчи Раҳиммахон Руста-
мова интилувчан аёллардан бири.
У анчадан бери тўқувчиликка қи-
зиқиб келарди. Ижтимоий устохо-
на ҳақида эшитиб, машғулотлар-
да мунтазам қатнашди ва қисқа
вақт ичида ушбу хунарни тўлиқ
ўзлаштирди. Айни пайтда у од-
дий рангли иплардан фойдалан-
ган ҳолда 50 хилдан ортиқ маҳсу-
лот тайёрлаб, вилоятнинг турли
шаҳар ва туманларидаги харидор-
ларга етказиб берапти.

Мутахассисларнинг таъкид-
лашича, тўқиш нафақат даромад
манбаи, балки асаб тизимини
тинчлантиради, турли зўриқиш ва
ва тушқунлиқни енгишга ёрдам
беради. Бу эса хотин-қизларнинг
ҳам руҳий, ҳам ижтимоий барқа-
рорлигини таъминлашда муҳим
аҳамият касб этади. Қолаверса,
бундай лойиҳалар оилалар фаро-
вонлигини ошириш, ишсизликни
камайтириш ва миллий хунар-
мандчиликни ривожлантиришга
хизмат қилади.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Меҳрга ташна кўнгилга доимо кўмак керак

Ногиронлик, бу — имкониятларнинг
чекланиши эмас, балки алоҳида
эътибор ва меҳрга бўлган эҳтиёждир.
Агар ғамхўрлик ўз вақти ва ўрнида
кўрсатилса, оёққа туриш янада осон
кечади.



Дилноза САФАРОВА,
Шофиркон туманидаги
“Маҳаллақози”
маҳалласи ижтимоий
ходими.

Бунини маҳалламизда
истикомат қиладиган Юсуф Исмоилов
мисолида яққол кўриш
мумкин. Фуқаро хаста-
лик сабаб ётоққа михла-
ниб қолган эди. Оила-
нинг ижтимоий-иқтисо-
дий аҳволи оғирлашиб,
парвариш, бандлик ва
болалар таълими маса-
лаларида муаммолар
юзуга келган.

Мазкур ҳолатни
инобатга олган ҳолда,
оилани қийин вазият-
дан олиб чиқиш мақса-
дида алоҳида хизматлар
режаси ишлаб чиқил-
ди. Хонадон вакиллари
“Фаол ҳаётга қадам” дас-
турига киритилиб, ком-
плекс ижтимоий хиз-
матлар кўрсатиш йўлга
қўйилди.

Кўрсатилган тиббий-ижтимоий
реабилитация хизматлари натижасида
фуқаронинг соғлиғида ижобий
ўзгаришлар кузатила бошлади. Бугунги
кунда у ҳассаса таянган ҳолда мустақил
йориш имкониятига эга бўлиб, яшашга
иштиёқи ортиб борапти.

Дастур доирасида
Юсуф Исмоиловга сайр
учун мўлжалланган мах-
сус ногиронлик аравача-
си тақдим этилди. Бу эса
унинг кундалик ҳаракат-
ланишини енгилашти-
риб, реабилитация жа-
раёнига ижобий таъсир
кўрсатди.



Оилани моддий
жиҳатдан қўллаб-
қувватлаш мақса-
дида келини Иқбол
Раҳимованинг
фарзандларига
болалар нафақаси
тайинланди.

Шунингдек, йил даво-
мида электр энергияси ва
табиий газ учун компен-
сация ажратилиб, киш мав-
сумида бир марталик мод-
дий ёрдам кўрсатилди.

Юсуф Исмоиловнинг
турмуш ўртоғига ногирон-
ликни белгилаш бўйича
ариза киритилиб, тиббиёт
бирлашмасига йўналти-
рилди. Бу орқали оила-
нинг тиббий-ижтимоий
ҳимояси янада мустаҳкам
ланди.

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ —
ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: ИШОНЧ, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТ

Ҳар бир бола — алоҳида олам.
Унинг имкониятлари чекланган
бўлиши мумкин, аммо орзулари
чеғара билмайди. Инклюзив
таълим, бу — кўнгли кемтик
гўдакларнинг жамиятдан ўзилиб
қолмаслиги, тенгдошлари билан
биргаликда билим олиши ва ўзига
бўлган ишончини мустаҳкамлаш
учун қурилган кўприкдир. Зеро,
мактаб партасидаги тенглик
— келажақдаги ижтимоий
адолатнинг илк қадамидир.

Сайёра МАМАТҚУЛОВА,
Янгигер шаҳар “Инсон” ижтимоий
хизматлар маркази бош мутахассиси.

Ушбу таълим тури нафақат алоҳи-
да таълим эҳтиёжи бўлган бола-
лар, балки барча ўқувчилар учун самара-
ли ҳисобланади. Чунки бундай муҳитда
ўқувчиларда ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва
ҳамжиҳатлик тамойиллари шаклланади. Бу
борада, энг аввало, ота-оналарнинг инклю-
зив таълим ҳақидаги мавжуд қарашларини
ўзгартириш, фарзанд келажағига масъулият
билан ёндашиш ва жавобгарлик ҳиссини
қучайтириш жуда муҳим саналади.



Яратиб берилаётган имкониятлар ва
қўлайликлар тобора ўз натижасини кўр-
сатаётгани эса жуда қувонарли. Биргина
Янгигер шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар
марказида ўтган йили шу йўналиш бўйича
121 та мурожаат қабул қилинди. Маҳалла-
ларда ўрганишлар олиб борилиб, 18 ёш-
гача бўлган болалар хатловдан ўтказилди.
Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 27 фев-
ралдаги тегишли қарори асосида касал-
лик ташхиси мос келган болалар Психоло-
гик-тиббий-педагогик комиссияга йўнал-
тирилди. Натижада 17 нафар бола кундузги
парвариш хизматида жалб этилди. 36 нафар
бола инклюзив таълимга йўналтирилди.
6 нафар бола инклюзив гуруҳларга, 7 нафа-
ри ихтисослаштирилган умумтаълим мак-
табларига жойлаштирилди.



Айни вақтда Янгигер шаҳрида
фаолият юритаётган кундузги
парвариш хизматида иккита гуруҳ
очилган бўлиб, “Камбағал оилалар
реестри”да турувчи хонадон
вакилларининг фарзандлари
ушбу хизматга қамраб олинган
ҳамда уларнинг оналари иш
билан таъминланган. Шунингдек,
инклюзив таълимга жалб қилинган
бир нафар ўқувчининг онаси махсус
педагог сифатида фаолият бошлади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки,
инклюзив таълим фақат билим бериш би-
лан чегараланиб қолмайди. Бундан ташқа-
ри, ўқувчиларни инсон қадрини улуғлаш,
жамият равнақига муносиб ҳисса қўшишга
ўргатади.



Эндиликда
БИР КУНДА
ФАҚАТ БИТТА
БАНКДАН онлайн
кредит олишга
рухсат этилади.



Банклар энди пластик
картанинг орқа
томонида 24 соат
ишлайдиган (24/7)
АЛОҚА РАҚАМИНИ
ЖОЙЛАШТИРИШГА
мажбур.



2025 йилда
Ўзбекистонда
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
4 фозизга ўсиб,
84,8 миллиард кВт/
соатни ташкил этди.

2026 йил
24 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla №6

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

“СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ”

Тўғри йўналиш бериш — ярим муваффақият демакдир



Ҳозирги кунда солиқ тўлаш борасида фуқаролар учун кўплаб енгилликлар жорий этилган. Бироқ янги қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ҳақида ҳамма ҳам бирдек хабардор эмас, айримлар эшитган тақдирда ҳам уларнинг мазмунини тўлиқ англаб етолмайди. Ана шундай пайтларда биз — солиқ инспекторлари аҳолига кўмак берамиз.

Алишер САЛИМОВ,
Поп туманидаги “Қандиғон”,
“Марғизор” ва “Янгиобод”
маҳаллалари солиқ инспектори.

Янги Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, кичик тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалиги субъектлари учун солиқ тўлаш тартиби янада соддалаштирилди. Ушбу янгилликларни аҳолига етказиш ва амалда қўллаш менинг вазифам эканини чуқур англаган ҳолда, маҳалладошларим билан тушунтириш ишларини олиб бордим.

Масалан, маҳалламиздаги тадбиркорлардан бири Маҳмуд

Қурбонов авваллари солиқларни тўлашни мураккаб, ҳужжатлари кўп жараён деб ҳисоблаб, қарздорликка йўл қўйган. Мен унга янги тартибларни батафсил тушунтириб бердим: эндиликда айрим маҳсулотлар ҚҚСдан озод этилган, ишлаб чиқариш жараёнида қилинган харажатлар бўйича ҚҚСни давлат қоплаб беради, ҳужжатлар эса электрон тизим орқали тез ва шаффоф юритилади.

Шу тушунтиришлардан сўнг, у солиқларини ўз вақтида тўлашни йўлга қўйди, фаолиятини қонуний асосда давом эттириб, фойдасини камайтирмасдан ишлаш имконига эга бўлди. Энг қувонарлиси, бу ҳолат нафақат унинг ўзи, балки қўшни тадбиркорлар учун ҳам яхши намуна бўлиб хизмат қилди.



Шу тарзда иш кунини ҳар доим эрталаб “маҳалла еттилиги” билан бошлайман. Бугунги вазифаларни белгилаб, кимга ёрдам кераклигини аниқлаймиз. Кун охирида эса бажарилган ишлар ва эртанги кун вазифаларини қайта кўриб чиқамиз. Шу тизимли ёндашув туфайли КРП кўрсаткичларим 100 баллга баҳоланди. Албатта, бундай натижа фуқароларнинг ўз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишига масъулияти билан боғлиқ.

Биз ходимлар бир-биримизга доим ёрдам берамиз. Қайсидир ҳудудда солиққа оид масала туғилиб қолса, туман ҳудудидаги ҳамкасблар билан бирга бориб, вазиятни атрофлича ўрганамиз. Шу тарзда бир ходим нафақат ўз ҳудудида вазифасини режа бўйича бажаради, балки ҳамкасбининг ишига ҳам ёрдам беради. Бу жамоавий рух туфайли биз бир оила каби ишлаймиз.

ДАРОМАД ҚАЧОН ОШАДИ?

Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш энди баракали даромад манбаига айланади

Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишда улар қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Бу қарор қишлоқда ер ҳайдаб, меҳнат қилиб кун кўраётган оддий инсоннинг оғирини енгил қиладиган муҳим ҳужжатдир.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Янги тартиб нафақат енгиллик, балки адолат ва шаффофликни ҳам таъминлайди. Электрон ҳисобварақ-фактуралар аниқ вақт тартибида таҳлил қилинади, шубҳали ҳолатлар дарҳол аниқланади. Бу ҳалол ишлаётган фермерни ҳимоя қилади, солиқдан қочишга уринаётганларни эса тизимнинг ўзи фош этади.

Бу ислохотнинг фойдаси фақат деҳқон билан чекланиб қолмайди. Маҳсулот арзонлашса, одамлар ютади, ишлаб чиқарувчи енгил тортса, бозор жонланади, тизим шаффоф бўлса, давлат ишончи мустаҳкамланади. Энг муҳими, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш энди нафақат меҳнат, балки баракали даромад манбаига айланади.

Хулоса қилиб айтганда, 2026 йилдан жорий этилган янги тартиб қишлоқ хўжалиги учун оддий солиқ енгиллиги эмас, балки деҳқон меҳнатини кадрлаш, қишлоқни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим қадамдир.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Турсун ҚЎЛДОШЕВ. Андижон вилояти:

— 2025 йил апрель ойида уй сотиб олгандим, энди уни сотмоқчиман. Мазкур ҳолатда солиқ тўлашим керак бўладими?

БИР ЙИЛ ИЧИДА СОТИЛГАН УЙ СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИМИ?



Толибжон КАРИМОВ,
Андижон вилояти
Балиқчи тумани давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи:

— Солиқ кодексининг 378-моддасига кўра, агар сиз эгалик қилган уй-жой сотиб олинган кундан бошлаб 36 ой ичида сотилса, сотишдан олинган даромад солиғига тортилади. Бу солиқ уй-жойни сотиб олиш ва сотиш нархи орасидаги ижобий фарқ асосида ҳисобланади ва жисмоний шахслар учун

солиқ даромаднинг 12 фозини ташкил этади.

Масалан, сиз уйни 200 миллион сўмга сотиб олиб, уни 250 миллион сўмга сотсангиз, ижобий фарқ 50 миллион сўмни ташкил қилади. Шу сўмдан 12 фозиз солиқ тўланади, яъни 6 миллион сўм. Сиз солиқни тўлаш тартибига мувофиқ 2026 йил 1 апрелга қадар жисмоний шахслар учун даромад декларациясини тўлдиришингиз ва солиқни тўлашингиз керак бўлади.

Шунингдек, агар сиз яқин қариндош бўлмаган шахслардан мерос ёки ҳада тариқасида уй-жой қабул қилсангиз, у ҳолда уй-жойнинг кадастр қийматидан келиб чиқиб, даромад солиғи ҳисобланади.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

“СОЛИҚ ТўЛАШ — БУРЧИМ!”

Қонуний иш нафақат баракали, балки хотиржамлик ҳиссини ҳам беради

Тикувчилик билан 22 йилдан буён шуғулланаман. Йиллар давомида иш фаолиятимни уй шароитида олиб бордим. Аслида, кўнглимда алоҳида тикувчилик цехи очиш нияти бор эди, аммо “расмийлаштирсам, югур-югур кўп бўлади, солиқчи келса, қийнаб қўяди”, деган хавотирли ўйлар мени доимо ортга тортарди.



Ойжамол ЮСУПОВА.
Булоқбоши туманидаги
“Кўприкбоши” маҳалласи.

Бир куни ниятимни “маҳалла еттилиги” фаолларига очиб айтдим. Ўша кундан бошлаб ҳаётимда

бурилиш бўлди. Ўйлаганимдек тўсиқлар эмас, аксинча, кўмак қўллар мен томон чўзилди. Ҳоким ёрдамчиси ва солиқ инспектори дарҳол келиб, йўл кўрсатди. Айниқса, солиқ инспекторининг ёрдамини алоҳида таъкидлаш жоиз. У қонуний ишлаш — оғир юк эмас, балки ҳимоя эканини сабр билан тушунтирди.

Шундан сўнг субсидия ажратилди, замонавий тикув машинаси берилди. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтдим. Илгари “қандай қиламан?”, деб ўйлаган ишларни солиқ инспектори ёнимда туриб, босқич-босқич тушунтириб берди. Ҳатто “Ўзингиз бажарасиз, кўрқманг”, деб далда бўлди. Ўзим “Soliq” мобилъ иловаси орқали “Face-ID” билан рўйхатдан ўтдим. Ҳеч кимга югурмадим, эшик қокмадим. Шунда тушундим: кўпчилик тартибни билмагани учун ўзини четга тортар экан.



Солиқ тўлаш ҳам аввалгидек мушкул эмас. Рақамлаштириш тизими шунчалик қўлайки, ҳар бир солиқ ходимининг қўлида мослама бор. Қарздорлик бўлса, жойида тўлаш имконияти мавжуд, QR кодли чек берилади.

“Пулимни олиб кетди, энди квитанция қачон келади?” деган хавотир йўқ. Ҳаммаси очиқ, ҳаммаси аниқ. Энг муҳими, бугун солиқдаги янгилликлардан хабардорман.

Мен бугун ишонч билан айта оламан: солиқ инспектори — бу жазоловчи эмас, йўл кўрсатувчи. Айниқса, аёл тадбиркор учун бундай кўмак — қанот. Агар менга ўша пайтда ёрдам қўли чўзилмаганида, балки ҳануз уйда ишлаётган бўлардим. Энди меҳнатим баракали, ишим қонуний, кўнглим хотиржам. Энг катта ютуғим ҳам шу.

